

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Илмий ишлар бўйича проректор

_____доц. Сулаймонов О.

«_____» «_____» 2014 й

НАШР ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси ОЎМТ вазирлиги Фарғона Политехника
институти Механика факультети эксперт комиссияси (раис
т.ф.н.доц.И.Т.Каримов бошчилигида)

Р.Ж.Тожиев., Х.М.Садуллаев., Ф.Эгамбердиев., Н.Халилов ларнинг
“Клинкерни туйишда цемент тегирмонларининг иши таҳлили”номли
мақоласида 95 йўриқноманинг 3 бўлимида кўрсатилган маълумотлар
йўклигини тасдиқлайди.

Мақолани босиб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси О ва ЎМТ
Вазирлигидан рухсат олиш керак эмас.

Хулоса: Р.Ж.Тожиев., Х.М.Садуллаев., Ф.Эгамбердиев., Н.Халилов
ларнинг “Клинкерни туйишда цемент тегирмонларининг иши
таҳлили”.номли мақоласини очиқ нашрларда босиб чиқариш мумкин.

Комиссия раиси:

Каримов И.Т.

(аъзолари)

Файзиматов Ш.Н.

Собиржонов Т.

Илмий бўлим бошлиғи:

Эргашев С.

1-бўлим бошлиғи:

Сакиева С.

АВТОКЛАВ КОРПУСИНИ КОРРОЗИЯДАН САҚЛОВЧИ КАТОД ХИМОЯ ҚУРИЛМАСИ


Магистрлар.Ф.Эгамбердиев.М8-12, Н.Халилов.М8-12,
Илмий раҳбарлар.Р.Ж.Тожиев., Х.М.Садуллаев.
“Технологик машиналар ва жихозлар”кафедраси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда қурилиш саноати замонавий асосда янги таркиб ва мазмунда ривожлана бошлади. Шу жумладан қурилиш материаллари хажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини тезда бажариш, арзон ва узулксиз тайёр маҳсулот олишга алоҳида эътибор берилди. Ушбу талабларга қурилиш саноатида ҳозиргача фойдаланиб келган техник ва технологиялар тўлиқ жавоб беролмай қолди. Қўйилган талабларни бажариш учун янги замонавий усулларни жорий қилишга тўғри келди. Шулардан бири автоклав материаллар технологияси бўлди. Бу усул ёрдамида тайёрланадиган маҳсулотлар арзон, вақт ва энергия кам сарфланади. Қурилиш материалларини тайёрлаш технологик жараёнларида ишпирок этадиган қурилмалар ичида материаларга ҳар йили ишлов берувчи: асосий вазифани бажарадиган автоклавлар техник ҳолати катта аҳамиятга эга бўлади. Автоклавларни реконструкция қилиш ва уларнинг ишлаш муддатларини узаштириш янада такомиллаштириш ва илмий ишлар олиб бориш актуал вазифалардан ҳисобланади.

Автоклав корпуси бир вақтнинг ўзида даврий зўриқишлар ва коррозия муҳитида ишлайди. Натижада металлнинг чарчаш чегара мустаҳкамлиги тўхтовсиз камайиб боради. Коррозия автоклав корпусининг пастки қисмида ривожланади. Янги усликат маҳсулотларидан ювилиб тушаётган электрометалларнинг сувдаги эритмаси тўпланадиган жойда қузатилади. Натижада автоклав корпуси каррозияга учраб ишдан чиқишига олиб келади. Коррозия муҳити таъсирини камайтириш учун автоклав корпусининг пар конденсатланиши натижасида коррозияга учраб тезда ишдан чиқишини олдини оладиган янги мослама яратилди.

Қурилма қуйдагича тузилган; автоклав корпусига манфий заряд, анодга эса мусбат заряд улаш орқали кутблар ҳосил қилинади. Мослама қурлимаси қуйидагилардан иборат:

- ток ўтказувчи симилар;
- пўлат анод;
- контр релслари;
- дренаж системаси;
- автоклав релслари оралиғидаги туб қисмини исистиш тармоғи.



1-чизма Коррозиядан сақловчи катот ҳимоя корпуси.

1—автоклав корпуси ; 2—анод ; 3—конденсат чиқариб юбориш мосламаси; 4—салникли қурилма; 5—релс; 6—контур релс; 7—плита; 8—қум маданмас тош аралашмаси.